



ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 декабрь куни Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида Туркменистон Президенти давлатимиз раҳбарини мамлакатимиз МДҲга самарали раислик қилгани ва ҳамдўстлик саммитини муваффақиятли ўтказгани билан самимий табриклади.

Жаҳон иқтисодиётидаги инқирозли ҳолатлар кучайиши ва коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ мураккаб шароитда Ўзбекистон ҳамдўстлиги раислик концепциясини тўлиқ рўйга чиқаришга ҳамда кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш бўйича муҳим ташаббусларни амалга оширишга муваффақ бўлгани алоҳида таъкидланди.

Президентлар икки мамлакат ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларида юксак даражага эришилганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Пандемия оқибатларига қарамай, савдо алоқалари ривожланмоқда, иқтисодиёт тармоқларида, энергетика, транспорт ва логистика соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик чуқурлашиб, гуманитар алмашинувлар кенгайиб бормоқда.

Давлат раҳбарлари саноат кооперацияси бўйича янги

лойиҳаларни илгари суриш учун Ҳукуматлараро қўшма комиссия ишини фаоллаштириш лозимлигини таъкидладилар.

Маданият, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги фаол мулоқотларни давом эттиришга, бунда икки халқ таниқли санъат ва фан арбобларининг кенг иштирокида мамлакатларимизда қўшма тадбир ва форумлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари Туркменистон Президентининг Халқаро тинчлик ва ишонч йили доирасида юқори даражадаги Ашхобод конференциясини ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлади. Бўлажак тадбирда Ўзбекистон Республикасининг делегацияси иштирок этиши тўғрисида келишувга эришилди.

Сўхбат якунида Президентлар кириб келаётган Янги йил билан бир-бирларини самимий қўтлаб, мамлакатларимизнинг қардош халқларига тинчлик, фаровонлик ва раванқ тиладилар.

ЎЗА

Мактабгача таълим

ҲАР БИР БОЛА ТАЪЛИМНИНГ ИЛК БОСҚИЧИДАН ЎТИШИГА ЭРИШИШИМИЗ КЕРАК

Инсоннинг шахс сифатида шаклланиши, жамиятда муносиб ўрин тутиши у яшаётган муҳитда, аввало, илм-фан, таълим-тарбиянинг нечоғлиқ юксалганига боғлиқ.



Чунки эртасининг муносиб эгаларини камол топтиришда ҳар бир миллат, ҳар бир жамият ўзига хос йўл тутдики, келажак тақдирининг қандай бўлиши ана шу йўлнинг қай даражада тўғрилиги билан белгиланади. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазир Агриппина ШИН билан сўхбатимиз Ўзбекистонда бу борада амалга оширилётган ислохотлар, тизимнинг истиқбол хусусида бўлди.

— Бугун янгиланаётган Ўзбекистонни халқимиз, энг аввало, мактабгача таълим тизимидаги туб бурилишлар, истиқболли ислохотлар самарасида кўра оляпти, десак хато бўлмайди. Аслида ҳам таълим тизимига пойдевор бўлгучи мактабгача таълимни такомиллаштириш биринчи навбатдаги вазифа ҳисобланади, шундай эмасми?



— Мактабгача таълим тизими узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўлини бўлиб, соғлом, фаол, баркамол, ижтимоий мослаштирилган болаларни тарбиялаш, уларнинг келгусида муваффақиятли ўқув фаолияти учун шарт-шароитларни шакллантириш ва бошланғич таълимга сифатли

тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, бутун бошли таълим тизимининг истиқболли эртаси учун ҳам, аввало, мактабгача таълим тизими фаолиятини тўғри йўлга қўйиш зарур. Зеро, мактабгача таълим ташкилотининг мақсад ва вазифалари илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига

қўйиладиган давлат талаблари асосида ҳамда давлат ўқув дастурига мувофиқ, боланинг индивидуал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ҳар томонлама ва баркамол ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишдир.

Давоми 3-бетда

Демократия тамойиллари

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ: СОБИТҚАДАМЛИК САМАРАЛАРИ



Маҳмуд ИСТАМОВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари

Мамлакатимизда парламент ва маҳаллий вакиллик органлари янги қонунчилик асосида сайлов бўлиб ўтганига ролпа-роса бир йил тўлди.

Демократик давлатда ва жамиятда халқнинг хоҳиш-иродаси бирламчи манба сифатида эътироф этилади ва унга оғишмай амал қилинади.

Ўзбекистон Конституциясининг 7-моддасида “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи”, 32-моддасида эса “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга” экани мустақамлаб қўйилган.

Мазкур ҳуқуқлар айнан сайловларда ўзининг амалий ифодасини топади. Конституцияда сайлов масалаларига махсус боб бағишлангани мамлакатимиз миллий сайлов қонунчилигини шакллантиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Ушбу конституциявий қоида мустақил Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини мунтазам такомиллаштиришда ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Давоми 2-бетда

Тараққиёт мезони

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ — ИСЛОҲОТЛАР АСОСИ

давлат бюджетининг 2021 йилги харажатлари 165,8 триллион сўмни ташкил этиши, ижтимоий соҳага ажратиладиган харажатлар жорий йилга нисбатан камида 15 фоизга оширилиши режалаштирилган



Эркин ГАДОЕВ, Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси

Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида маъқулланган “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонунда Бюджет кодексининг 29-моддасига мувофиқ ишлаб чиқилган Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг параметрлари белгилаб берилди. Қонуннинг мақсади республика бюджетини

ажратмаларини тасдиқлаш, бюджет жараёни ва бюджет даражалари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш ҳамда 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетини ҳамда уларни тайёрлаш учун асос бўлган макроиқтисодий ривожланиш прогнозлари тўғрисидаги маълумотларни маъқуллашдир.

Давоми 2-бетда

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

МАДРИДНИНГ КОМПЛУТЕНСЕ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУДУДИДА БУЮК АЖДОДИМИЗ МУҲАММАД ХОРАЗМИЙ ҲАЙКАЛИ ЎРНАТИЛДИ

Мадриддаги Комплутенсе университети ҳудудида буюк мутафаккир ва аллома Муҳаммад Хоразмий ҳайкалининг очилиш маросими бўлиб ўтди.



Испаниянинг энг йирик олий ўқув юрталаридан бири бўлган Комплутенсе университети 1499 йил ташкил этилган. Бугун у мамлакат университетлари орасида биринчи ўринда туради.

Муҳаммад Хоразмий ҳайкали физика, кимё ва математика факультетлари бинолари ўртасида жойлашган боғ ҳудудида ўрнатилди. Тадбирда университет раҳбарияти, Испания илмий жамоатчилиги вакиллари,

талабалар ва ўзбекистонлик ватандошлар иштирок этди.

Ўзбекистоннинг Испаниядаги элчиси Жаҳонгир Ғаниев буюк мутафаккир ва олим, бобокалонимиз Муҳаммад Хоразмий ўзининг кашфиётлари билан дунё илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшганини таъкидлади. У, шунингдек, Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилган ислохотлар ҳақида тўхталиб, мазкур тизимнинг асоси бўлган мактабгача таълимни ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар, жумладан, 2030 йилгача таълим тизимининг барча бўғинларини янги поғонага олиб чиқиш юзасидан концепциялар қабул қилинганини айтиб ўтди.

Комплутенсе университети ректори Хоакин Гояче Гони буюк мутафаккир Муҳаммад Хоразмий ҳайкали университетнинг Билимлар майдонида ўрнатилгани ва бу олий таълим муассасаси учун катта шараф эканини қайд этди.

— Хоразмий ҳайкали барча талабалар учун ўрнак бўлиб хизмат қилади, шунингдек, буюк олимнинг дунё илм-фани ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини эслатиб туради, — деди ректор. — Комплутенсе университети номидан Ўзбекистон раҳбариятига тақдим этилган ёдгорлик учун

миннатдорлик билдираман. Икки мамлакат халқлари ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ришталари ўзаро муносабатларни янада чуқурлаштиришнинг муҳим омилidir. Испаниянинг энг нуфузли университетига Муҳаммад Хоразмий ҳайкали очилгани Испания — Ўзбекистон алоқаларининг дўстона мазмунини яна бир бор тасдиқлади.

Ректорнинг маданият, спорт ва университетлар билан ҳамкорлик масалалари бўйича ўринбосари Изабель Гарсия Фернандез мутафаккир Муҳаммад Хоразмий ҳайкалининг очилгани бир неча йил давомида амалга оширилган ишлар самараси эканини таъкидлади.

— Санъат профессори сифатида шуни ҳам таъкидлашни истардимки, ҳайкал ўз соҳасининг ҳақиқий мутахассиси томонидан яратилган ва у универститетимиз ҳудудида кўрк бағишлади, — деди у. — Буюк олим нафақат математик, балки астроном ва географ бўлган. Муҳаммад Хоразмий инсониятга бебаҳо мерос қолдирган. Шу маънода, унинг илмий асарлари ҳаммамизнинг, яъни бутун инсониятнинг бебаҳо мулкидир. Муҳаммад Хоразмийнинг математика ва бутун тамаддун тараққиётидаги хизматлари алоҳида эътироф этилади. Буюк аллома исми “алгоритм” атамасида муҳрланган. Шунингдек, унинг асарларидан бири — “Алгебра” ҳам бизга мутафаккир ҳақида доим эслатиб туради.

Мадрид

“Дунё” АА

Муносабат

ЎЗБЕКИСТОН ВА МДҲ:

ҳар томонлама ишончли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги босқичи



Феруза ЭШМАТОВА, Олий Мажлис Сенати хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси

Замонамизга хос халқаро муносабатлар тез ўзгарувчан жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ, бундай мураккаб шароитда ҳар бир мамлакат ҳар томонлама ишончли ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга интилади. Шу жиҳатдан Евроосиё қитъасининг катта

қисмини қамраб олган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ўз салоҳияти билан жуда катта аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 18 декабрь куни бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклидаги мажлиси бунинг яна бир тасдиғи бўлди.

Шуниси эътиборлики, жорий йилда Ўзбекистон илк бор МДҲ кенгаши йиғилишига раислик қилди ва раислик концепциясининг тўлиқ бажарганлиги тузилма иштирокчилари томонидан ҳам бир овоздан эътироф этилмоқда. Ваҳоланки, бу жараён ўта мураккаб шароитда — глобал пандемия даврида кечди.

Давоми 2-бетда

